

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТОВ ОДИЛЖОН ҒАФУРОВИЧ

**БУХОРО-ХИВА ЎЛКАСИНИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ҚИСМИДАГИ
УГЛЕВОДОРОД КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ЗАХИРАЛАРИНИ
САМАРАЛИ ҚАЗИБ ОЛИШНИНГ ГЕОЛОГИК АСОСЛАРИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract doctor sciences (DSc)

Ҳайитов Одилжон Гафурович

Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларини ўзлаштириш ва захираларини самарали қазиб олишнинг геологик асослари.....3

Ҳайитов Одилжон Гафурович

Геологические основы эффективного освоения и извлечения запасов углеводородов месторождений юго-восточной части Бухаро-Хивинского региона.....25

Hayitov Odiljon Gafurovich

Geological foundations of effective development and extraction of hydrocarbon reserves in the southeastern part of the Bukhara-Khiva region..... 47

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТОВ ОДИЛЖОН ҒАФУРОВИЧ

**БУХОРО-ХИВА ЎЛКАСИНИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ҚИСМИДАГИ
УГЛЕВОДОРОД КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ЗАХИРАЛАРИНИ
САМАРАЛИ ҚАЗИБ ОЛИШНИНГ ГЕОЛОГИК АСОСЛАРИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/GM26 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.zionet.uz) тармоғида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Абдуллаев Ғайбулла Сайфуллаевич
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шоймуратов Тўйчи Холиқулович
геология-минералогия фанлари доктори, катта илмий ходим

Ҳусанов Султонбой Тўхтаевич
геология-минералогия фанлари доктори, катта илмий ходим

Салманов Аҳмет Моис огли
геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

«Ўзбекгеофизика» АЖ

Диссертация ҳимояси Нефтьга газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc 24/30.12.2019.GM.41.0 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 27 апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114 уй. Тел.: (+99871) 253-09-78; факс: (+99871) 250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4182 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114 уй. Тел.: (+99871) 253-09-78; факс: (+99871) 250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунни тарқатилди.

2021 йил 12 февраль №1 рақамли реестр баённомаси).

Иргашев Ю.И.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
г.м.-ф.д., профессор

Юлдашева М.Г.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, г.м.-ф.н., к.и.х.

Богданов А.Н.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси ўринбосари, г.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Дунёда нефть ва газ саноатини ривожлантириш энергетик мустақилликка эришишга қаратилган бўлиб, бу тўғридан-тўғри углеводород хом ашёси (УВ-хом ашёси) захиралари базасининг ҳолатига боғлиқ. Бироқ сўнгги йилларда излов-қидирув бурғилаш ишлари ҳажмини камайтириш, мураккаб геологик тузилишга эга нефть ва газ конларини аниқлаштириш тенденцияси кузатилмоқда, бу эса углеводород захираларининг ўсиш суръатларини пасайишига олиб келди. Шунга кўра, ўлкада мавжуд нефть ва газ конларидаги углеводород захираларини аниқлаш, уларни самарали ўзлаштириш ва қатламлардаги нефть ва газни нисбатан тўлиқ чиқариб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда олинадиган захираларнинг фойдали ўсишига ва углеводородларни қазиб чиқаришни орттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун турли йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан янги тузилмаларнинг нефть ва газга истиқболлари даражасига қараб кенг қамровли таҳлил этиш, ўзлаштирилган конлардан углеводород олиш коэффицентини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, янги усуллар билан бурғилашдан салбий натижа олинган майдонлар бўйича геологик ва геофизик маълумотларни таҳлил қилиш учун қатламларнинг маҳсулдор қисмини аниқлаш методологиясини такомиллаштириш, катта миқдордаги қолдиқ захираларга эга бўлган ва сув босган конларда қатламларнинг нефть ва газ бера олувчанлигини ошириш бўйича юқори самарали технологияларни ишлаб чиқиш, бу тадқиқотлар излов-разведка ишларини самарадорлигини орттириш ва УВ-хом ашёси захираларини кўпайтиришда харажатларни камайтириш имконини беради.

Республикамизда ёнилғи-энергетика комплексини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу УВ-хом ашёси захираларининг кўпайиши ва уларни қазиб чиқариш ҳажмининг ошиши билан бевосита боғлиқ. Конларни самарали ўзлаштириш ва углеводород захираларини чиқариб олиш учун инновацион технологияларни қўллаш заруратини талаб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш» бўйича устивор вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, углеводород хом ашёси захираларини чиқариб олишнинг методологик асосларини такомиллаштириш, юқори нефть-газ чиқариб олиш суръатларига ва қатламдан уларни тўлароқ чиқариб олиш даражасига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 6-сон, 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сон «2017-2021 йилларда УВ-хом ашёси қазиб олишни кўпайтириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида», 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3372-сон «Ўзбекнефтгаз» АЖ учун минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва кўпайтиришнинг 2017–2021 йиллар даври учун давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388 сонли «Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть ва газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Сеймик ва геофизик усуллар билан нефть ва газ конларини башорат қилишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишга, геологик ва геофизик материалларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юр்தларида, шу жумладан: University of State Utah, University of Texas, Society of Exploration Geophysicist (США), Oil Gas Scientific Research Project Institute (США), Oil and Gas Development Research Institutes in Denmark, Oil and Gas Industry, Danish Hydrocarbon Research and Technology Centre - Centre For Oil (Дания), «Schlumberger» (Франция), Phoenix geophysics Ltd (Канада), ChinaUniversity of Geosciences (Китай), Москва давлат университетида, Санкт-Петербург давлат университетида, РФА Нефтгаз геологияси и геофизикаси институтининг Сибирь бўлимида, Бутунроссия разведка геофизикаси институтида, Россия ФА «Ер физикаси» институтида, Евроосиё геофизиклар жамиятида, Nord-West Geophysics (Россия); Украина давлат геология-разведка институтида, Озарбайжон ФА Миллий геология ва геофизика институтида, Геология фанлари институтида, Геология ва нефтьгаз иши институтида (Қозоғистон), «Ўзбекгеофизика» АЖ ва Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

² Диссертация мавзуси бўйича шарҳ куйидаги хорижий манбаалар асосида келтирилган: <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; <http://geologinfo.ru>; <https://www.niuiif.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган

Дунёнинг илмий марказларида излов-разведка ишларини самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган изланишлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилди, шу жумладан: чўкинди тоғ жинсларини ҳосил бўлиш жараёнини, углеводородларнинг миграциясини ҳамда нефть ва газ конлари ҳосил бўлишини ҳисобга олган ҳолда геологик объектларнинг уч ўлчовли моделларини яратиш имконини берадиган программа таъминотлари яратилган (University of State Utah, University of Texas, «Schlumberger»); геостатика ва тектоник кучланиш қонунлари асосида табиий қатлам хусусиятларининг ўзгарувчанлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган (Москва давлат университети, нефть ва газ геологияси ва геофизикаси институти, Россия Фанлар академиясининг Сибир филиали, РФА «Ер физикаси» институти); Геология фанлари институти, Геология ва нефтьгаз иши институтларида (Қозоғистон), Геология фанлари университети, «Ўзбекгеофизика» АЖ; Геология, нефть ва газ конларини қидириш институти (Ўзбекистон) геофизик тадқиқотлар материалларини талқин қилиш усуллари такомиллаштирилган.

Дунёда ҳудудлар ва объектларнинг нефть ва газлигини башорат қилиш соҳасида бир қатор устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: нефть ва газга истиқболли структураларни асослаш учун геодинамик ва геологик-фацциал мезонларни ишлаб чиқиш; нефть-газли ўлкаларни ва конларнинг уч ўлчамли моделларини яратиш; геологик-геофизик маълумотлар ва излов-разведка кудуқларини бурғилаш натижаларига ишлов бериш ва интерпретация қилишнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот этилаётган ҳудуднинг нефтьгазлигини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлари ўтган асрнинг 30-йилларида бошланган. Дастлабки босқичда тадқиқотлар минтақавий характерга эга бўлиб, кичик масштабдаги геологик, гидрогеологик, морфометрик съёмкалар, аэромагнит, гравиметрик, электр ва сейсмик разведка ишларини ўтказишдан иборат бўлган (А.И.Галкин, А.П.Соколовский, Н.А.Громко, Н.А.Зарипова, М.И.Пиковская, С.П.Бородин, Р.И.Абрамян, В.Г. Зуфаров, В.В.Герман, М.М.Ризаев ва бошқалар).

Ушбу тадқиқотлар натижасида ўрганилаётган ҳудуд ер юзасининг геологик тузилиши ҳақидаги умумий тасаввурлар олинди, палеозой эраси пойдеворининг ҳосил бўлиш тавсифи ва чуқурлиги белгиланди, магнит ва гравиметрик майдонларни асосий тектоник элементлар билан боғлиқлиги аниқланди.

Кейинги йилларда ўрганилаётган ҳудудда геологик-геофизик, муфассал излов-қидирув ишлари ва структурали бурғилаш ишлари олиб борилди (Г.С.Абдуллаев, А.А.Абидов, У.Абдуазимов, А.Б.Алламуродов, Т.Л.Бобожонов, А.Н.Богданов, И.Т.Бойқобилов, М.С.Джалилов, Ф.Г.Долгополов, Г.Б.Евсеева, Х.Б.Жумаев, А.О.Зорина, А.Г.Ибрагимов, А.Г.Кротков, Х.Х.Миркамалов, У.С.Назаров, А.Х.Нугманов, В.П.Никифоров, Е.Г.Дудченко, Т.Мамадалиев, Н.У.Мухутдинов, Р.А.Муратов,

О.П.Мордвинцев, Ф.Э.Меглиев, М.В.Парпиев, А.К.Рахимов, А.А.Рахимов, Н.В.Салохиддинов, З.Х.Сафаров, Б.Б.Ситдиқов, Г.С.Солопов, Н.Ш.Хайитов, Р.Р.Хасанов, Б.С.Хикматуллаев, И.Холисматов, У.Р.Рахмонов, Х.М.Рахматова, Л.Н.Сафонова, Ч.Қ.Шеров, Н.К.Эйдельмант, А.Ю.Юсупжонов, Р.Р.Юсупов, Т.Х.Шоймуратов ва бошқалар). Геологик-геофизик тадқиқотлар ҳажми ошди ва қуйидаги сейсморазведка усуллари қўлланила бошлади: умумий чуқурлик нуқтаси (УЧН), қайтган тўлқинлар усули (ҚТУ), вертикал сейсмик профиллаш (ВСП), умумий чуқурлик нуқтаси усули (УЧНУ–2D, УЧНУ–3D). Ушбу тадқиқотлар натижасида нефть ва газга истикболли структуралар топилиб, чуқур бурғилашга тайёрланди ва ўрганилаётган ҳудудда 44 та углеводород конлари очилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг: №11/99 «Чунагар майдонидаги нефть ва газ конларини (уюмларини) излаш лойиҳаси», «Карвоньер майдонидаги газ конларини (уюмларини) излаш лойиҳаси», «Қумли майдонидаги газ конларини (уюмларини) излаш лойиҳаси», «Қорабоғ майдонидаги нефть ва газ конларини (уюмларини) излаш лойиҳаси», «Дарбозакам майдонидаги нефть ва газ конларини (уюмларини) қидириш лойиҳаси», «Топилма майдонидаги нефть ва газ конларини (уюмларини) қидириш лойиҳаси», «Дарахтли майдонидаги нефть ва газ конларини (уюмларини) излаш лойиҳаси», «Балиқли ва Жанубий Чандир майдонларидаги газ конларини (уюмларини) излаш лойиҳаси», «Осмондара майдонида параметрик қудуқни бурғилаш лойиҳаси», №5/97 «Газли конининг кон-геологик материалларини таҳлил қилиш ва нефтьгазли горизонтларини ишлатиш бўйича тавсиялар бериш», №3/99 «Ўзбекистондаги узок муддат ишлатилаётган конларнинг нефть бераолишлик коэффициентини аниқлаштириш», №8-ИМ 2001-2002 «Ўзбурғинефтьгаз» АЖдаги излов-разведка қудуқларининг синаш натижаларини улар самарадорлигини ошириш мақсадида таҳлил қилиш», №10/02 «Ғарбий Ўзбекистоннинг газ ости нефть хошияли разведка қудуқларида қатламларни иккиламчи очиш сифатини ўрганиш», №20/03 «Шакарбулоқ конида лойиҳалаштирилган ишлатиш қудуқларини жойлаштириш мақсадида геологик моделни такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳалари ва хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро-Хива ўлкасини жануби-шарқий қисмини геологик тузилишини аниқлаштириш учун углеводород конларини таснифини ишлаб чиқиш, аномал юқори қатлам босими ҳосил бўлиш сабабларини аниқлаш ва геологик захираларни чиқариб олиш коэффициентини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро-Хива ўлкаси (БХЎ)ни жануби-шарқий қисмини геологик тузилишини аниқлаштириш;

БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларини ҳосил бўлиш қонуниятларига таъсир этувчи геолого-геофизик омилларни асослаш;

БХЎ жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларини геолого-геофизик кўрсаткичлари бўйича таснифлаш;

БХЎнинг жануби-шарқий қисмида аномал юқори қатлам босимли углеводород конларини ҳосил бўлишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш;

углеводород конларида аномал юқори қатлам босими ҳосил бўлишининг сабабларини ўрганиш натижаларини умумлаштириш;

аномал юқори қатлам босимли углеводород конларини ўзлаштириш тажрибасини умумлаштириш;

БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларининг жорий ишлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва геологик захираларни қазиб олишни ошириш йўллари асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги структуралар ва углеводород конлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети БХЎнинг жануби-шарқий қисмининг нефть ва газга истикболлиги ва конларнинг геологик захираларини қазиб олиш даражасини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Геологик-геофизик маълумотларни тартибга солиш ва таҳлил этиш, кўп факторли корреляцион методи билан нефть ва газ конларини таснифлаш, математик-статистика методи ёрдамида захираларни ҳисоблаш, PETREL дастурини қўллаб компьютерда хариталар тузиш ва математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

углеводородларнинг фазавий ҳолати бўйича ўхшаш объектларни танлашни миқдорий асослашга имкон берадиган Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмидаги конлар таснифи ишлаб чиқилган;

углеводородлар ҳолати бўйича уюмлар турини асослашга имкон берадиган газ таркибидаги конденсат миқдорининг бошланғич қатлам босимига боғлиқлиги аниқланган;

излов-разведка кудуқлари конструкцияси ва уларни синаш усулларини асослашга имкон берадиган аномал юқори қатлам босими пайдо бўлишига асосий сабаб бўлган омиллар асосланган;

Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмидаги маҳсулдор қатламларни дренажлаш билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги сабабли, амалга оширилаётган ишлатиш тизимлари билан углеводород конларини ўзлаштиришининг паст самарадорлиги аниқланди, уни нефть ва газни қазиб олишни ошириш бўйича тадбирлар заруратига хизмат қилиши асосланган;

нефтни чиқариб олиш коэффициенти нефть захираларининг чиқариб олинадиган самарали ҳажмини асослаш имконини берадиган кудуқ тўри зичлигига боғлиқлиги аниқланган;

газ захираларини статистик, ҳажмий усуллар билан ҳисоблаб чиқилган ва қолдиқ геологик газ захираларини баҳолашга имкон берадиган моддий баланс усули билан таққосланган, газнинг геологик захираларини қазиб олиш

даражасини ошириш бўйича геологик-техник тадбирларни асослашга услубий ёндашув ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

углеводородларнинг фазавий ҳолати бўйича конларни таснифлаш асосида ўхшаш объектларни танлашнинг ишончилиги асосланган;

захираларнинг фазавий ҳолатини башоратлашни ишончилиги газдаги конденсат миқдорини бошланғич қатлам босимидан ўрнатилган боғлиқлиги билан асосланган;

тадқиқот худуди учун флюидларнинг тақсимланиши: газ-сув (ГСЧ), газ-нефть (ГНЧ), сув-нефть (СНЧ) чегаралари, қатлам температураси ва қатлам босими хариталари ишлаб чиқилган;

ҳисоблаш натижаларини статистик, ҳажмий ва моддий баланс усули билан таққослаш асосида қазиб олинмаган ва қолдиқ газ захираларини асослаш усули ишлаб чиқилган;

маҳсулдор горизонтларни дренажлаш билан қамраб олиш коэффицентини ва углеводородларнинг геологик захираларини қазиб олиш даражасини ошириш бўйича бир қатор тавсиялар тақлиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги конларни ўрганишда олинган фактик кўрсаткичларнинг ўрнатилган ҳамда ишлаб чиқилган моделларнинг лойиҳавий кўрсаткичларга мос келиши ва уларнинг юқори корреляцион боғлиқлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қатлам босимининг аномаллик коэффицентини катталигини ифодаладиган омилларни аниқлаш, нефтни қазиб олиш коэффицентини баҳолаш учун статистик моделларни яратишда, газ таркибидаги конденсат миқдорини бошланғич қатлам босимига боғлиқлигини ўрнатишда, ишлатиш билан қамраб олинмаган қолдиқ газ захираларини аниқлаш учун услубий ёндашувни ишлаб чиқишда, ҳамда объектларнинг нефть ва газга истикболлигини ва углеводородларни қазиб олиш даражасини баҳолашда изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти конлардаги углеводородларнинг фазавий ҳолати бўйича таснифи ишлаб чиқилганлигидан, қатлам босимининг аномал катталигини баҳолаш моделининг ўрнатилганлигидан, нефтни қазиб олиш коэффицентини ва қатлам босимини пасайишини ҳисоблаш дастурларидан, янги конларни очишда фойдаланиладиган суюқлик ва газнинг туташ юзалари чуқурлиги, қатлам ҳарорати ва босимиини тақсимланишни хариталарини тузилганлигидан иборат бўлиб, бу эса ўз навбатида янги конларни очиш, УВ-хом ашёсини қазиб олиш суратини ошириш ва геологик захираларни қазиб олиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларини ўзлаштириш ва захираларини самарали қазиб олишнинг геологик асослари бўйича

олинган илмий илмий тадқиқотлар асосида:

Ғарбий Ўзбекистондаги газ ости нефть объектларида маҳсулдор қатламларни тешиш оралиқларини, қатламга депрессия катталигини ва жадаллаштириш усулларини қўллаш заруратини асослаш бўйича тавсиялар “Ўзгеобурнефтгаз” АКда амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2019 йил 30 апрелдаги 02/12-1-82 сон маълумотномаси). Натижада, разведка ва ишлатиш қудуқларини ўзлаштиришда саноат миқёсидаги нефть оқимлари олинган;

Шакарбулоқ конидаги ишлатиш қудуқларини жойлаштиришни оптималлаштириш бўйича тавсиянома «Ҳисорнефтгаз» МЧЖ ҚҚнинг Шакарбулоқ конида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2019 йил 30 апрелдаги 02/12-1-82-сон маълумотномаси). Натижада, қудуқлар фондидан фойдаланиш коэффициентини 30 фоиздан 78 фоизгача ўсиш имконини берган;

излов ва разведка қудуқларини оптимал жойлаштириш бўйича тавсияномалар Чунагар, Дарахтли ва Қумли майдонларида амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2019 йил 30 апрелдаги 02/12-1-82-сон маълумотномаси). Натижада, тавсия этилган усулни қўллаб, газ конденсати уюми мавжудлиги аниқланган, газ, конденсат ва уларнинг таркибидаги компонентлар захираларини ошириш имконини берган;

«Фойдали қазилма конлари геологияси, уларни излаш ва разведка қилиш (нефть ва газ конлари)» ихтисослиги бўйича олий ўқув юрти бакалаврлари ўқув жараёнига «Нефть ва газ уюмларини излаш ва қидириш методлари» дарслиги жорий қилинган (Гувоҳнома, 25.08.2018 й., №744). Натижада, «Нефть ва газ уюмларини излаш ва қидириш методлари» дарслиги ушбу фанни ўзлаштириш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари 4 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 3 та республика ва 7 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмининг геологик ва геофизик ўрганилганлиги**» деб номланган биринчи бобида БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги геологик ва геофизик ўрганилганлик тарихи тўғрисида маълумот берилган, ўрганилганлик ҳолати шарҳланган, объектларни бурғилаш орқали излов ва разведка қудуқларини ўзлаштиришнинг асосий жиҳатлари таҳлил қилинган.

БХЎнинг жануби-шарқий қисмининг геологик тузилишини ўрганиш билан Г.С.Абдуллаев, У.А.Абдазимов, А.А.Абидов, А.М.Акрамхўжаев, Н.А.Ахмедов, А.Г.Бабаев, Т.Л.Бабаджанов, А.Н.Богданов, И.Т.Бойқобилов, А.А.Бойдедаев, Т.В.Деревянко, Ф.Г.Долгополов, Г.Б.Евсеева Г.Б, А.А.Зорин, А.Г.Ибрагимов, У.А.Камолходжаев, О.А.Қаршиев, Ф.Е.Меғлиев, Х.Х.Миркамалов, О.Р.Мордвинцев, О.Э.Муродов, У.С.Назаров, А.Х.Нугманов, У.И.Рахматов, В.В.Рубо, Л.Н.Сафонова, Р.А.Муратов, З.Х.Сафаров, Г.С.Солопов, Н.Ш.Хайитов, И.Х.Холисматов, Р.Р.Хасанов, С.Т.Хусанов, Б.С.Хикматуллаев, Т.Х.Шоймуратов, Г.Юлдашев, Н.К.Эйделант ва бошқалар шуғулланишган.

Геологик ва геофизик тадқиқотларни ўрганиш натижасида (1- январь 2020 йил ҳолатига кўра) ўрганилаётган ҳудудда 44 та углеводород конлари очилган, бу Ўзбекистон Республикасида аниқланган конлар умумий сонининг 17 фоизини ташкил этади. Январь 2020 йил ҳолатига кўра, БХЎнинг жануби-шарқий қисмида инвестицион блокларни ҳисобга олган ҳолда, бутун Ўзбекистон бўйлаб 163 та истиқболли ҳудуддан 91 таси, умуман (49,6%) аниқланган объектларнинг 147 тасидан 83 таси (56,4%) тайёрланган, 181 дан 96 таси (53%) излов бурғилашида, яъни барча ҳудудларнинг ярми БХЎнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган.

Ўрганилаётган майдонда бурғиланган қудуқлар таҳлил қилинди, улардан: параметрик қудуқлар – 11 дона, излов қудуқлари – 126 дона ва разведка қудуқлари –138 дона. Бурғиланган 275 излов-разведка қудуқларининг 94 таси маҳсулдорлик контуридан ташқарида бўлган, бу ҳолат муваффақиятлилик даражасининг 34,1% эканлигини билдиради.

Геофизик тадқиқотлар интерпретацияси ва қудуқларни синаш натижаларининг бир-бирига мос келмаслигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу структураларни тайёрлашда тузилган структуравий хариталарни синчковлик билан таҳлил қилиш керак. Уларнинг ишончлилигини тасдиқлангандан сўнг, майдон кейинги кўриб чиқишдан чиқариб ташланади. Синовларнинг ишончсизлиги аниқланган жойлар учун барча материалларнинг тўлиқ таҳлили ўтказилади ва ҳудуднинг геологик тузилишини аниқлаштириш бўйича қўшимча геофизик ишларни бажариш учун таклифлар ишлаб чиқилади ёки навбатдаги излов қудуғини бурғилаш асосланади.

Терриген коллектор жинслар билан чегараланган чукурликларда жойлашган нефть ва газ конларида разведка қудукларини самарали очиш ва синовдан ўтказиш бўйича маҳаллий ва жаҳон тажрибасини умумлаштиришга асосланиб, ушбу жараёнлар амалга оширилганда карбонат коллектор қатламларидан фарқли ўлароқ, шу қатламлар жинсларининг барқарорлигини сақлаш шартлари тортиб олинган сувнинг чегара қийматини кўшимча равишда ҳисобга олиш зарур.

Диссертациянинг «**Бухоро-Хива ўлкаси жануби-шарқий қисмининг геологик тузилиш хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган ҳудуднинг литологик ва стратиграфик хусусиятлари, маҳсулдор горизонтларнинг тектоникаси ва нефтьгазлилиги баён этилган.

БХЎнинг жануби-шарқий қисми нефть ва газга энг истиқболли ҳудуд бўлиб ҳисобланади. Бу ерда Шўртан, Шимолий Ғузор, Гармистон, Чунагар, Қумчук, Шакарбулоқ ва бошқа углеводород конлари очилган.

Ўрганилаётган ҳудуд Жанубий-Ғарбий Ҳисор тоғ олдига яқин жойлашганлиги сабабли, БХЎнинг жануби-шарқий қисмининг шарқий қисми ҳар хил миқёсдаги ёриқлар дислокациясининг кенг ривожланиши билан ажралиб туради. Шунинг учун бу ҳудудда очилган углеводород конларининг асосий қисми тектоник экранлашган тутқич турига киради.

Тектоник ёриқлар келиб чиқиши бўйича икки турга бўлинади: биринчиси углеводород конлари ҳосил бўлишидан олдин ҳосил бўлган ёриқлар, иккинчиси углеводород конлари ҳосил бўлгандан кейин ҳосил бўлган ёриқлар. Шу билан бирга, биринчи турдаги бузилишлар – нефть ва газ конларининг тўпланиши ва шаклланишига, иккинчиси – уларнинг сақланишига ёрдам берди.

Шу муносабат билан тектоник экранлашган конларни излаш ва қидиришда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

тектоник ёриқлар углеводородлар миграциясида тўсувчи экран бўла оладими;

дизъюнктив бузилишлар углеводородларнинг тўпланишига ва янги конларнинг ҳосил бўлишига ёрдам бера оладими;

конларнинг регионал ёриқлар билан боғлиқлиги;

уюмни мураккаблаштирадиган тектоник бузилишларнинг табиати қанақа.

Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмидаги нефть ва газ уюмларининг жойлашиши таҳлил қилинди, углеводородларнинг деярли барча конлари асосан юра давридаги карбонат ётқизиклари билан боғлиқлиги аниқланди. Ишлатилаётган конлар ва чукур бурғилаш босқичидаги структуралар таҳлил қилинди ҳамда кейинги геологик-қидирув тадбирлари бўйича тавсиялар берилди.

Диссертациянинг «**Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларининг таснифи**» деб номланган учинчи бобида углеводород конлари (уюмлари)нинг мавжуд таснифларининг таҳлили берилган, қабул қилинган таснифлаш усули асосланди ва таснифлаш

натижалари тавсия қилинди.

Геологик-разведка ишларини олиб бориш, углеводород захираларини ҳисоблаш, конларни ўзлаштириш учун лойиҳа ҳужжатларини тузиш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва маҳсулдор қатламларнинг компонент бераолишлигини оширишни режалаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилашда ўхшаш-аналог конлардаги ишлаш тажрибасидан фойдаланиш зарурати туғилади. Геологик-физик хоссаларга эга бўлган маҳсулдор қатламларнинг геологик-техник тадбирларининг самарадорлиги турлича ва бу ҳолат УВ конларини ишлатиш ҳамда геологик-разведка ишларини бажаришда инобатга олиниши лозим.

Ҳозиргача уюмларнинг геологик тузилиши, фазавий ҳолати ва углеводород конларининг ўзлаштириш муаммоларига қараб кўплаб таснифлар ишлаб чиқилган. Шу туфайли, мезонлар сифатида қуйидаги кўрсаткичлар қабул қилинди: геологик тузилишнинг мураккаблилиги, углеводородларнинг фазавий ҳолати, қатламнинг бошланғич босими, газдаги потенциал конденсат миқдори, қудуқ оқимининг тезлиги ва бошқалар.

БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларини геологик ва физик кўрсаткичлар бўйича таснифлаш учун дендрограмма тузиш усули қўлланилди. Бунда геологик ва физик кўрсаткичлар комплекси углеводород уюмларини ҳосил бўлиш шароитларини, уюмларнинг ўлчам қийматларини, коллекторларнинг фильтрацион сиғим хусусиятларини, газ ва қатлам суюқликларининг хусусиятларини тавсифлайди ва геологик-физик кўрсаткичлар газ-сув ва сув нефть чегараларининг чуқурлиги, қатлам температураси, ғоваклилиги, коллекторларнинг нефть ва газ билан тўйинганлиги, нефть, газ ва конденсатнинг зичлиги бўйича нисбатан бир хил бўлади. Шу билан бир қаторда, нефть ва газлилик майдонлари қуйидаги параметрлар бўйича кескин фарқ қилади: маҳсулдор горизонтларнинг умумий ва самарали қалинлиги, қатлам босими ва газ таркибидаги конденсатнинг потенциал таркиби (жадвал).

Ҳисоб-китоблар натижасига кўра дендрограмма тузилди, унда углеводородларнинг фазавий ҳолати кўра ажралиб турадиган тўрт уюм тури аниқланди: газли, газконденсатли, нефтьгазконденсатли ва нефтли уюмлар (1-расм). Пастроқ иерархик даражада ажратилган уюмлар тури массив, қатламли-гумбазли, гумбазли-массивли каби гуруҳлар ажратилди.

БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларини таснифлаш бўйича олинган натижалардан аналог объектларни танлашни асослаш; геологик-қидирув ишларини оптималлаштириш; янги очилган объектлар учун лойиҳаларни тайёрлаш, узоқ муддатли ишлатилаётган конларни ўзлаштириш тажрибасидан фойдаланиш; геологик-техник тадбирлар ва янги технологиялар самарадорлигини асослаш; геологик ва технологик турли хил характердаги муаммоларни ҳал қилиш ишларида фойдаланиш тавсия этилади.


Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларининг геологик-физик тавсифи

№№	Конлар номи	Нефтлилик ва газлилик майдони, м ²	Умумий маҳсулдор қатлам қалинлиги, м;	Нефтвага тўйинганлик қалинлиги, м;	Очиқ ғовақлик, бирлик улушда	Нефть ва газга тўйинганлик, бирлик улушда	Нефть ва конденсат зичлиги, т/м ³	Газнинг зичлиги, т/м ³ ,	Қатлам сувининг зичлиги, т/м ³ ,	Қатлам ҳарорати, °С	Қатлам босими, кгс/см ²	Газ таркибдаги конденсат миқдори, кг/м ³	Сув-нефть ва газ сув чегараларининг мутлақ белгиси, м
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1.	Хонобод	4800	16	3,6	0,100	0,706	0,925	0,669	1,075	122	327	5	2798
2.	Совлигар	9450	30	3,6	0,043	0,670	0,902	0,667	1,059	122	353	7	3134
3.	Феруза	5580	140	17,54	0,112	0,810	0,898	0,670	1,084	121,4	268	8	3039
4.	Гармистон	2167	61	8,6	0,110	0,899	0,932	0,675	1,075	123	353	6	3020
5.	Мезон	8400	43,6	19,59	0,124	0,832	0,787	0,652	1,050	120	340,2	106	2592
6.	Қоратепа	4860	51	18,8	0,142	0,809	0,935	0,716	1,075	113	343,6	117	2896
7.	Янги Қоратепа	4931	95	35,94	0,118	0,796	0,858	0,629	1,085	118	478	185,2	3211
8.	Шакарбулоқ	3580	105	41,5	0,097	0,781	0,901	0,680	1,120	123	275,7	172,5	3365
9.	Тўртсари	9553	92	30,1	0,157	0,858	0,844	0,680	1,071	108	342	232,9	3088
10.	Кумчук	18550	193	28,4	0,068	0,720	0,873	0,778	1,081	108	357	183,5	3383
11.	Шим. Шўртан	10125	75	11	0,127	0,690	0,862	0,652	1,067	129	387	85,2	3233
12.	Илим	14625	86	6,97	0,088	0,870	0,915	0,797	1,102	117	372	73,57	2766
13.	Дарахтли	5320	80	15	0,133	0,858	0,878	0,632	1,065	114	621	59,57	3107
14.	Қамаши	10625	70	9,1	0,055	0,610	0,838	0,643	1,068	117	554	166	2976
15.	Бешкент	16650	200	24,4	0,091	0,680	0,835	0,653	1,063	118	553	209,7	2947
16.	Шеркент	2922	125	8,2	0,085	0,650	0,817	0,635	1,084	132	418	250	3230
17.	Рубойи	5400	85,5	8,2	0,084	0,770	0,806	0,629	1,086	117	471	19,52	3249
18.	Оқназар	4590	43	9,97	0,120	0,820	0,9230	0,639	1,63	97,9	285	74	2533
19.	Шим. Оқназар	17550	85	12,7	0,090	0,700	0,879	0,633	1,055	130	603	209	3294

Жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
20.	Мирмирон	8670	37	9,3	0,079	0,760	0,932	0,620	0,977	104	296	117	2576
21.	Намозбой	15400	60	30	0,077	0,807	0,841	0,626	1,066	76,4	306,5	56,26	2561
22.	Ойдин	22825	331	17,3	0,074	0,822	0,791	0,637	1,078	85,43	281,24	53,11	2261
23.	Чунагар	8820	280	29,5	0,064	0,830	0,830	0,631	1,061	115	331	130,6	3040
24.	Шқртан	178200	550	117	0,100	0,850	0,835	0,619	1,065	112,5	349	58	2628
25.	Охирбулок	19520	160	71,4	0,110	0,713	0,822	0,621	1,076	117,3	338	67,38	2819
26.	Бўзахўр	16470	315	48,6	0,022	0,790	0,812	0,632	1,071	114	354	62	2694
27.	Шарк. Бўзахўр	5880	173	20	0,097	0,770	0,755	0,633	1,071	104	336	213	2283
28.	Тарнасой	12800	240	2,5	0,080	0,780	0,793	0,634	1,049	114	355	61,9	2683
29.	Таваккал	10800	240	54,2	0,069	0,790	0,794	0,759	1,061	120	317	44,79	2820
30.	Алачагикудук	26400	120	18,1	0,080	0,750	0,795	0,619	1,087	112,5	360	58	3095
31.	Пирназар	5040	120	12,2	0,110	0,810	0,795	0,610	1,091	103,7	277	51	3379
32.	Зафар	9000	173	20	0,100	0,780	0,789	0,668	1,110	132,5	426	55	3260
33.	Шим.Нишон	47635	150	90	0,100	0,880	0,811	0,643	1,115	127,4	533	58	3400
34.	Нишон	6900	73	21,8	0,092	0,779	0,785	0,693	1,111	123	533	58	3244
35.	Шим.Фузор	9085	189	12	0,096	0,800	0,780	0,770	1,082	113	318	59	3224
36.	Марварид	12800	195	27,2	0,069	0,630	0,793	0,623	1,098	117	353	62	2650
37.	Топичаксой	7875	14,2	5,9	0,076	0,757	0,811	0,621	1,076	120	349	35,46	2807
38.	Гирсан	8743	195	38,19	0,068	0,810	0,812	0,629	1,065	128	615,8	56,6	3451
39.	Девхона	3187	195	38,19	0,068	0,810	0,812	0,629	1,065	128	615,8	56,6	3451
40.	Эрназар	5440	55	52,9	0,095	0,817	0,817	0,617	1,065	128	610	36,7	3420
41.	Шим.Гирсан	6303	29,6	16,6	0,068	0,810	0,812	0,629	1,065	128	615,8	56,6	3451
42.	Талимаржон	3825	116	41,3	0,085	0,770	0,803	0,785	1,065	128	428	36,7	3396
43.	Назаркудук	2040	148	25,7	0,079	0,0,58	0,7999	0,775	1,065	133	622	50,2	3598
44.	Капали	6750	8	3,8	0,110	0,780	0,819	0,617	1,074	117	557	6	2900

Иерархик даража, бирлик улушда



1-расм. Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларини таснифлаш дендрограммаси (О.Ф.Хайитов 2020 йил)

Диссертациянинг «БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларида аномал юқори қатлам босими ҳосил бўлиши сабабларини таҳлил қилиш» деб номланган тўртинчи бобда чет эл ва БХЎнинг жануби-шарқий қисмида углеводород конларида аномал юқори қатлам босими ҳосил бўлишининг сабабларини ўрганиш натижалари умумлаштирилди, шунингдек геологик ва физик омилларнинг қатлам босимининг аномалия коэффиценти қийматига таъсири этиш даражаси ўрганилди.

Аномал юқори қатлам босимининг ҳосил бўлиш сабабларини ўрганишда дунёнинг турли ўлкаларидаги 90 дан ортиқ углеводород конларининг 1995 йилдан 2020 йилгача бўлган давр учун тадқиқот натижалари таҳлил қилинди. Нефть ва газ ўлкаларининг геологик хусусиятлари, шунингдек, геологик ва физик шароитлари кўрсатилди, углеводород конларида АЮҚБ ҳосил бўлишининг 20 дан ортиқ сабаблари аниқланди.

Аномал юқори қатлам босими ҳосил бўлишига қараб, унинг сабабларини тизимлаштириш асосида қуйидаги 9 гуруҳ шакллантирилди:

1. *Геостатик босим таъсири остида изоляция қилинган тоғ жинсларининг қатламларда зичлашиши.* Бунда углеводород миграциясининг йўқлиги ёки қийинлиги, чўкинди тоғ жинсларининг чўкиш даражасининг юқорилиги, коллекторларнинг ўтказувчанлигини пастлиги, нефтнинг юқори қовушқоқлиги, юқори температура ва углеводород уюмлари ҳосил бўлгандан кейин маҳсулдор қатлам тубининг чўкиши, аномал шаклланиш жараёнида таъсири кучайтиради. Қатлам босими 26,5% ҳолатларда АЮҚБнинг асосий сабаби сифатида келтирилди.

2. *Чуқурликдаги резервуарларни сиқилиши ва деформацияланишига олиб келувчи тектоник кучланишлар ва тектоник жараёнлар.* Бу омил 19,4% ҳолатларда АЮҚБнинг асосий сабаби сифатида қайд этилди.


3. *Берк уюмга ёриқлар бўйлаб чуқурликдаги горизонтлардан юқори қатламга суюқлик қуйилиши.* Ушбу омил ЮАҚБ сабаби сифатида 15,3% ҳолларда келтирилди.

4. *Сув, нефть ва газнинг физик-кимёвий хоссалари (коллекторларнинг нефть, газ ва қатламларнинг сув билан тўйинганлиги, юқори молекуляр оғирликдаги органик моддаларни енгилроқ углеводородларга айланиш жараёнида қатлам суюқлиги ҳажмининг ошиши билан боғлиқ суюқликдаги физик-кимёвий ўзгариши, углеводородлар ва сув ўртасидаги зичлик фарқини ошиши, радиоактив парчаланиш пайтида иссиқликнинг ажралиб чиқиши).* Бу омил 11,2% ҳолатларда ЮАҚБ ҳосил бўлишига сабаб сифатида қайд этилди.


5. *Чўкинди тоғ жинсларининг катта қалинлиги (углеводород уюмларининг баландлиги, кесимда юқори қалинликдаги туз қатламларининг мавжудлиги, кесимда гил қатламлари мавжудлиги).* Бу омил 10,2% ҳолларда ЮАҚБ ҳосил бўлишига сабаб сифатида кўрсатилди.

6-7. *Уюм ҳосил бўлгандан кейин сақланиб қолган босимда маҳсулдор қатлам чуқурлигининг пасайиши ва осматик ҳодисалар.* Бу омилларнинг ҳар бири 5,1% ҳолларда ЮАҚБ сабаби сифатида берилди.


8. *Артезиан шароитлар.* Қатламларнинг қудуқ оғзидан ер юзасига чиққан қисмининг сезиларли баландлашиши. Бу омил 4,1% ҳолларда ЮАҚБ




2-расм. Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмида суюқлик ажралиши (ГНЧ, СНЧ,ГСЧ) чуқурлигининг тарқалиш харитаси (О.Ғ.Ҳайитов, 2020 йил)



3-расм. Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмида қатлам температурасининг тарқалиш харитаси (О.Ғ.Ҳайитов, 2020 йил)



4-расм. Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмида қатлам босимининг тарқалиш харитаси (О.Ғ.Ҳайитов, 2020 йил)



5-расм. Бухоро-Хива ўлкасининг жануби-шарқий қисмида қатлам босими аномалиясининг тарқалиш харитаси (О.Ғ.Ҳайитов, 2020 йил).

сабаби сифатида кўрсатилди.

9. *Монтмориллонитнинг илитга, гипснинг ангидритга диагенетик ўтиши.* Бу омил 3,1% ҳолларда ЮАҚБ сабаби сифатида кўрсатилди.

Аномал юқори қатлам босими ҳосил бўлишининг бундай кўп сонли омиллари ҳар бир углеводород конининг геологик тузилиши ва геологик-физик шароитлари хусусиятларидан ташқари бошқа ўрганилмаган жараёнларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Қатлам босими ва аномал юқори қатлами босимининг қийматларига маҳсулдор горизонтларнинг ётишчуқурлиги ва қатлам температурасининг таъсирини аниқлаш учун суюқлик ажралиш чуқурлигининг тарқалиши (ГСЧ, ГНЧ, НСЧ) (2-расм), қатлам ҳарорати (3-расм), қатлам босими (4-расм) ва БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги аномаллик (5-расм) хариталари тузилди. БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги углеводород конларидаги аномал юқори қатлам босими ботиқликнинг сиқилиши ва деформациясини келтириб чиқарадиган тектоник ҳаракатлар ва жараёнлар, шунингдек қатламдаги углеводородларнинг физик-кимёвий ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган бир қатор сабабларга кўра ҳосил бўлганлиги аниқланди. Геостатик босим таъсирида жинсларнинг зичлашиши ўрганилди.

Шу муносабат билан, янги ҳудудларда излов-разведка қудуқларини бурғилашда ўрганилаётган ҳудудда юқори қатлам босими ҳосил бўлишининг асосий сабаблари бўлган юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда қатлам босимининг кутилаётган қиймати асосланиши керак.

Диссертациянинг «**Углеводородларнинг геологик захираларини қазиб олишни ошириш йўллари**» деб номланган бешинчи бобида БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги углеводородлар геологик захираларининг ҳозирги ҳолати ва ишлатиб бўлинганлигини таҳлил қилиш натижалари, БХЎнинг жануби-шарқий қисмидаги нефть ва нефтгазконденсат конларини ўзлаштириш самарадорлиги, газ ва газ конденсати қудуқлари маҳсулдорлигини ошириш усуллари баён этилган.

